

**БАЗМГОҲ БИНОЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
АНЪАНАЛАРИ**

*Уралов Акбарали*  
*эркин тадқиқотчи (Сам ДАҚИ)*

*Қосимова Дилноза*  
*эркин тадқиқотчи (Сам ДАҚИ)*

**Аннотация.** Мазкур мақолада кейинги йигирма йилдаги ўзбек тўйхоналари интерьер санъ-атининг тадрижий–типологик, бадиий-декоратив шаклланиш жараёни биринчи марта тавсиф-лаб берилган. Ўрта асрлардаги “гуллаб яшнаган” даврнинг тарихий–маданий ютуқлари ўша давр анъанавий образини профессионал жиҳатдан синчиклаб ўрганиш асосида яққол аниқлаб берилган; танланган услуб ҳамда танланган образ йўналишига мувофиқ дизайн, безак, жиҳоз-лар танлаш тартибга солинган; биринчи марта Ўзбекистон тўйхоналари интерьерларнинг замонавий услуб, бадиий образларини ривожлантириш, ўзбек “миллий колорити”га эга анъана-вий интерьер санъатининг ворисий истиқболли тараққиёти услубларини такомиллаш-тириш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Меъморчилик, архитектура, фасад, ахроматик, хроматик, интерьер, тўйхона, базмгоҳ, безаклар, нақш, бадиий безак, дизайн

Меъморчиликда ранг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у муҳит бадиийлигини оширишга ёрдам берувчи фаол композицион восита тарзида фойдаланилади. Рангдан самарали фойдаланиш учун унинг асосий хоссаларини билиш зарур. Барча ранглар икки хил гуруҳга: ахроматик ва хроматик рангларга бўлинади. Биринчи гуруҳга оқ, қора ва кулранг рангларнинг турли туслари кирса, иккинчи-сига камалак (спектр)нинг барча ранглари киради. Амалиётда кенг тарқалган колористик маданиятга хос спектрал ранглар доирасида 8 хил хроматик ранглар мавжуд. Булар сариқ, сариқ–яшил, яшил, кўк, бинафша, тўққизил, қизил ва тўқ-сарик ранглардир [1]. Хроматик ранглар хоссаларига ёрқинлик, рангларнинг тусланиши (оч–тўқлиги) ва тўйинганлиги киради. Исталган ранг ҳам бўялган юзанинг нур қайтариш имкониятига қараб турлича ёрқинликка, равшанликка эга бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир рангнинг тон деб аталадиган турлича туслари (кўринишлари) бўлади. Масалан, сариқ ранг бўёқ-нинг қўлланилишига қараб турли тонларда бўлиши мумкин: лимон рангли сариқ, оқиш сариқ, тўқ сариқ, қизғич сариқ ва бошқалар; худди шу каби қизил ранг ҳам тусланади киноварь (тўққизил), краплак, (қорам-тир қизил), кармин (оч қизил). Рангнинг тўйинган-лиги

деганда унинг рангдорлиги, куюқлиги ва тиниқлиги тушунилади. Ҳар бир ранг кўпроқ ёки камроқ тўйинган бўлиши мумкин, умуман олганда спектрнинг кам тўйинган ранглари уларнинг оқ рангга яқинлиги билан аниқланади. таъкидлаш зарурки, ранглари тонналиги (оч тўқлиги) ва тўйинганлигига қараганда равшанлиги бўйича анча осон фарқлаш мумкин. Ранглар ўзаро контраст ёки нюанс боғланишда бўлади. Бир–биридан яққол фарқланувчи ранглар ўзаро контраст, бир–бирининг фарқи сезилар–сезилмас ранглар ўзаро нюанс боғланишдаги ранглардир. Рангларнинг боғланиши уларнинг ёрқинлиги ва рангларнинг тони (тусланиши)га қараб ўзгаради. Биринчи ҳолатда ранглар контрастининг ушбу хили ёрқинлик контрасти деб, иккинчисидан–хроматик контраст деб аталади. Масалан, кулранг юза оқ фонда қорамтирдай кўринса, қора фонда аксинча–оқишроқ кўринади, кизил фонда эса у ҳатто яшилроқ тусга киради, сариқ фонда кўкимтир кўринади. Тарихий шаҳарларда сариқ, тўқ сариқ ёки исталган иссиқ рангнинг мовий рангга қўшилиши томошабинга кулрангнинг осмон ранги билан қўшилишига кўра ёқимлироқ туюлади, зеро биринчиси бу ранглар доирасида қарама–қарши томонларда ётган қўшимча рангларнинг ўзаро контраст қўшилиши бўлса, иккинчиси яқин рангларнинг нюанс муносабатидир. Замонавий базмгоҳлар архитектурасини асосан уларнинг интерьерлари архитектурасига қараб баҳо бериш тўғри эмас деб ўйлайман. Чунки аксарият базм-гоҳлар катта магистрал кўчаларга, оммавий транспорт бекатларига яқин қилиб қурилган ва ушбу кўчалар архитектураси ва перспективасини шакллантиришда фаол қатнашиб, унга хизмат қилиб келмоқда.

Замонавий биноларга ташқи ва ички безак бериш санъати ҳозирги даврда Ўзбекистонда тизимли тарзда, тўйхоналар интерьерлари дизайни хусусиятларига таянган, яъни махсус лойиҳалар асосида бажариш тамойилига эга. Натижада бу соҳада муайян дизайн соҳаси, интерьерлар дизайни йўналиши шаклланиб келмоқда. Бинокорлик ишлари шунчалик тез ва жадал суръатлар билан кетмоқ-даки, анъанавий услуб ва йўналишлар, дизайн ва безатиш ишлари бугунги кунда энг долзарб бадиий–эстетик масалага айланмоқда [3].

Натижада кейинги даврларда ўзбек дизайннинг ташқи ва ички кўринишларига турли хил Шарқ ва Европа маданияти, интерьер санъатининг таъсири сезилмоқда. Бироқ бу ижодий йўналишлар анъанавий қонун–қоидалар ва маиший меъёрлар билан чамбарчас амалдаги нормага боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Ички қисмларни безатиш ва пардозлаш ишларини бажаришда маҳаллий архитектурага мос бўлган қурилиш ва пардозлаш материалларидан: кафель, метал, ойна ва қатор нотабий коцераген

элементлардан муайян бир тизимли, ҳатто янгиликлар билан олиб борилмоқда. Ички қисмларни безатиш ва пардозлаш ишларини бажаришда маҳаллий архитектурага мос бўлган қурилиш ва пардозлаш материалларидан: кафель, металл, ойна ва қатор нотабий коцераген элементлардан муайян бир тизимли, ҳатто янгиликлар билан олиб борилмоқда. Деворларнинг ранглари, бўёқлар комбинацияси, ёруғликнинг безак материаллари билан мувофиқлиги бадиий композиция шаклининг уйғунлашувига олиб келган [2].

Биз таклиф қилаётган лойиҳаларнинг бирида ана шундай усулда ушбу муаммони бироз бўлса-да ечишга қаратилган меъморий ечим мавжуд, яъни тўйхона залининг марказий қисми 2 светли қилиб, баланд гумбаз остида олинади. Базмгоҳлар залидаги оркестр ва мусиқа шовқини баландликка таралиб зал ичига қайтиб кирмайди ва шу йўл билан шовқин кучини анча сусайтириш мумкин. Базмгоҳлар бинолари олдидаги майдонда, одатда, уларнинг бош фасадлари томонидан кенг ва текис очик майдон шакллантириш тавсия этилади. Агар бунинг иложи бўлмаса, яъни бунинг учун этарлича майдон бўлмаса бош фасад ва бинога кириш қисми олдида рангли тош қопламалари билан ёпилган очик майдонча шакллантирилади. Базмгоҳлар биносининг отмоства тротуар орасидаги энсиз, одатда, чўзинчоқ майдонга 2–3 қатор қилиб бир йиллик ёки кўп йиллик гуллардан ва ўрта бўйли манзарали буталардан экилади. Тротуарга яқин қаторга бўйи баландроқ, бино олдидаги майдонга яқин қаторга эса пастроқ бўйли буталар ва гуллар, масалан, хушбўй табак, бир йиллик астра ва алиссум ёки метельчатий флокс ва арабислар экилади. Агар тўйхона биноси қирликда, атроф муҳитдан тепароқ жойда бўлса, тўйхона биноси олдидаги худуднинг ечими кўпинча мунтазам режавий услубда, симметрик ўқ атрофидаги, такрорланувчи яшил ландшафт композицияларидан тузилиши мумкин

Хулоса Меъморий безаклар бино шаклларига мос тарзда ишланиши зарур: композицияда меъморий шакллар уйғунлиги бирламчи, безаклар эса иккиламчи ролни ўйнаши лозим. Безаклар композицияси асосий ва ёрдамчи (тўлдирувчи) нақшлардан тузилиши керак. Асосий нақшлар узокдан, ёрдамчилари эса фон вазифасини бажариб яқиндан кўришга мўлжалланиши мақсадга мувофиқ. Нақшлар уйғунлиги рапорт, тақсим, ритм, миқёсий тўр, симметрия ва ранглар контрастига асосланиши зарур. Безаклар деворий маҳобатли рангасвирларга, ғишторий, кошинкорий, ганчкорий, гирих, ислимий, ёзувий, ўйма, муқарнас ва кундал турларига бўлинади. Барча нақшлар модулли миқёсий ва хандасавий ясаиш услубларига ва ўзига хос ранглар жилосига эга бўлиши зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Уралов А.С., Рахимов А.К., Саидова Б.А. Архитектуравий компо-зиция ва лойиҳалаш асослари.–Самарқанд, 2005.
2. Хабиб Темур. Самарқанд сайқали. Истиклол берган имкон: қурилишда бурилиш. "Зарафшон" газетаси, 1995–йил 19–сентябр сони.
3. Пардаев С. Атроф муҳит муҳофазасида дарахт ва буталарнинг роли.//Конференция материаллари. 2013 й.
4. Қосимова Ф.А. Самарқанд шаҳри архитектурасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти.//СамДАҚИ ёш олимлари маърузалари материалларининг тўплами.–Самарқанд: СамДАҚИ 2008.
5. Қосимова Ф.А., Юсупова Ш. Самарқанд шаҳрининг моддий маданияти тарихидан лавҳалар.//Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ва СамДАҚИнинг 40 йиллигига бағишланган Республика назарий ва амалий конференция материаллари.–Самарқанд: СамДАҚИ, 2006.